Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан,
МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA • info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 34 (944) • 2013-yil, 23-avgust, juma

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

## “ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ” УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва ўз халқига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга **“Ўзбекистон Қаҳрамони”** унвони берилиб, олий нишон — **“Олтин юлдуз”** медали топширилсин:

**Азларов Тургун Рахматович** — Шайхонтоҳур туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактаби математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Раматов Ачилбай Жуманиязович** — “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раиси

**Эшматов Анорбой Аббасович** — Пахтакор туманидаги “Анвар” фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 22 август


Азларов Тургун Рахматович


Раматов Ачилбай Жуманиязович


Эшматов Анорбой Аббасович

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлда қабул қилинган ПФ-3781-сонли фармони ва Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгашининг 2013 йилги Давлат мукофотлари бўйича таклифига биноан мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган, халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, замон талабларига жавоб берадиган юксак, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун

**Биринчи даражали Давлат мукофотлари** қуйидагиларга берилсин:

**фан ва техника соҳасида:**

— Зуфаров Миржамол Мирумарович, Абдумаджидов Хамидулла Аманullaевич, Абралов Хакимжон Қабулджанович, Бахритдинов Фазлитдин Шамситдинович, Назирова Людмила Алихандовнага — “Юрак-қон томир касалликларининг диагностикаси ва даволашда замонавий услубларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш” амалий тадқиқоти учун;

**адабиёт соҳаси бўйича:**

— Сирожиддинов Шуҳрат Самариддиновичга — “Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили” фундаментал тадқиқоти учун;

**санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича:**

— Қодиров Муҳсин Халиловичга — “Ўзбек анъанавий театри” монографияси учун;

Фан ва техника соҳасида кўзда тутилган 1 та иккинчи даражали Давлат мукофоти ўрнига 2013 йил учун истисно тариқасида 2 та иккинчи даражали мукофот берилиши белгилансин.

**Иккинчи даражали Давлат мукофотлари** қуйидагиларга берилсин:

**фан ва техника соҳасида:**

— Азизов Мирхаким Жавхарович, Ступина Надежда Владимировна, Ирисметов Мурoджон Эргашевичга — “Йирик бўғимлар ортопедик патологиясини даволашнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш бўйича илмий ишлар мажмуи” амалий тадқиқоти учун;

— Дадамухамедов Суннатулла, Муминов Рамизулла Абдуллаевич, Собиров Хабибулло, Турсунов Мухамад Нишанович, Юлдошев Исроил Абриевичга — “Кремнийли фотоайлантиргичлар асосидаги қуёш нурланишини бевосита электр энергиясига айлантирувчи ҳозирги замон тизимлари ишланмасини яратиш ва уларни ишлаб чиқиш” амалий тадқиқоти учун;

**санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича:**

— Изентаев Жоллибой Тангирбергеновичга (марҳум) — “Қорақалпоқ элим менинг” рангтасвир асарлар туркуми учун.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 22 август



© С.Ўрмонов (ЎзА)

## Ватан билимдон фарзандларига суянади

Элимизнинг умидлари бахтиёр кўзларида порлаб турган болажонларнинг шодон кулгуларидан Тинчлик овози келади. Аждодларимиз заковатини муносиб авлод сифатида намоён этаётган, дунёга ўз сўзини баралла айтаётган юртимиз фарзандларининг бир олам орзуларида Истиқлол имконлари мужассам, навқирон ёшларнинг олов қалбларида Мустақиллик одимлари садо беради!

3 ➢

## Атроф-муҳитнинг трансчегаравий ифлосланиш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари

**Ҳалқаро семинар**

Тошкентда 20-21 август кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилган «Тожикистон «Талко» давлат унитар корхонасининг ишлаб чиқариш фаолияти экологияга ва одамлар соғлиғига кўрсатаётган ҳалокатли таъсирни бартараф этиш чоралари» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенаторлари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, Европа, Америка ва Осиё давлатларидан парламент аъзолари, жумладан, Тожикистон парламенти депутатлари, тадқиқотчилар, экспертлар, БМТ Тараққиёт дастури ва ЕХҲТ каби халқаро ташкилотлар, мамлакатимиздаги тегишли вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

4 ➢

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ
ҚАРОРИ

## Тожикистон «Талко» ДУК корхонасининг ишлаб чиқариш фаолияти экологияга ва одамлар соғлиғига кўрсатаётган ҳалокатли таъсирни бартараф этиш чоралари тўғрисида

Ўзбекистон Олий Мажлисининг қуйи ва юқори палаталари муҳокамасига мамлакат Экологик ҳаракати ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан тақдим этилган «Талко» ДУК зарарли чиқиндиларининг атрофдаги экологик муҳитга ва аҳолининг саломатлигига тобора кучайиб бораётган салбий таъсирини чуқур ўрганишга доир материаллар ушбу чиқиндилар таъсирини йўқотиш бўйича шошилинч чоралар кўриш масаласини ғоят зарур муаммо сифатида кун тартибига олиб чиқмоқда.

5 ➢



## Матёқуб Матчонов: “Имконият борми, фойдаланиш керак”

...айниқса, ёшларга яратилаётган имконият, шароитни бошқа пайтда ёки ўзга мамлакатда учратиш мушкул, ҳаттоки бунақаси бўлмаган, десам муболаға эмас. Бундан 20 йиллар аввал ёш оилаларга ҳукумат томонидан намунавий уй-жой қурилиб, кредитга берилади ёки барча олийгоҳларда жаҳоннинг исталган бурчагида кашф этилаётган ихтиролар билан ўртоқлашиш, фикр алмашиш имкониятига эга бўлиш, ҳатто чет давлатларда малака ошириб келиши мумкин бўлиши ҳеч кимнинг тасаввурига сиғмасди.

6 ➢

## Қувасойлик социал-демократлар

6 ➢

# Баркамол авлод доимий эътиборда

Давоми. Боши 1-бетда

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, ўзбек халқи тарихнинг машаққатли синов ва довонлари оша ўзининг ана шу олижаноб хусусиятларига, тилига, динига, миллий қадриятларига завол етказмай сақлаб келмоқда.

Бугун дунёда шиддатли жараёнлар кечаётган, поёни кўринмаётган иқтисодий ва молиявий тушкунлик давом этаётган, атрофимизда хавфли можаролар рўй бериб турган, турли «маданиятлар экспансия»си бўй кўрсатиб турган бир пайтда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи Ўзбекистон учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган ишларни изчил ва қатъият билан давом эттириш ҳукумат сиёсатининг диққат марказида турганини яна бир марта таъкидлаб ўтиш ўринли бўларди.

Баркамол авлод тарбиясига кеча ёки бугун эътибор қаратилаётгани йўқ. Айни масала мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг маъно-мазмунига айланган, десак янглишмаган бўламиз. Хўш, нега келгуси авлод тарбиясига бундай улкан аҳамият ва эътибор берилмоқда, нега Президентимиз ҳар бир нутқи, ҳар бир маърузасида ёшлар мавзусига алоҳида эътибор қаратмоқда?

Негаки, олдимизда турган энг эзгу мақсадлар — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, аввалambор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган ёшларнинг қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

Мамлакатимиз пойдевори шубҳасиз, аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғини ташкил этган ёшлардир. Дунёда биринчи бўлиб «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилгани, шу номда махсус халқаро жамғарма тузилгани, Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрида имзолаган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом, баркамол авлодни тарбиялашдаги муҳим қадамлардан бўлганди.

Таъкидлаш керакки, пахта майдонларини камайтириш ҳисобига шахсий ёрдамчи хўжаликларни ва деҳқон (фермер) хўжаликларини янада ривожлантириш сиёсати ҳам аслида қишлоқлардаги оилаларнинг моддий аҳволини яхшилаш, униб келаётган авлоднинг илигини мустаҳкамлашга қаратилганди.

Ёдингизда бўлса, 1989 йилдаёқ 720 минг гектарга яқин унумдор ерлар деҳқонларга муддатсиз шахсий фойдаланиш учун топширилди. 1991 йилда эса бу ерларнинг умумий майдони икки баравар кўпайди. Бир қатор вилоятларда ҳар бир оиланинг томорқаси 0,25 гектардан ошиб кетди. Бу республикадаги ҳосилдор ернинг қарийб 20 фоизи демакдир. Айни қарор одатда 5-7 нафардан фарзанди бўлган қишлоқ оилаларига озиқ-овқат ва моддий муаммоларни ечишда сезиларли даражада ёрдам берди. Буларнинг барчаси бозор муносабатлари вужудга келаётган мураккаб даврда катта мадад, барқарорлаштирувчи омил вазифасини ўтади.

Аммо афсуски, ер юзининг кўплаб қайноқ нуқталарида фарзандлар камолини таъминлашдек муқаддас бурч унутилаяпти. Илмга чанқоқ мурғаклар учун мактаб эшиклари ёпилмоқда. Тиббий ёрдамга муҳтож гўдаклар сони тобора ортиб бораяпти. Ривожланаётган мамлакатларда мактаб ёшидаги болаларнинг 60 фоизи турмуш қийинчиликлари туфайли ўқишни ташлашга мажбур бўлаяпти...



Бугунги қийин ва зиддиятли бир пайтда, мамлакатимиз сарҳадига яқин жойларда урушлар рўй бериб, қон тўкилиб турган бир вазиятда Ўзбекистонда инсон учун энг олий неъмат — яшаш ва осойишта ҳаёт кечириш ҳуқуқи тўла таъмин этилган. Жаҳон миқёсида саводсизлар сони 1 миллиарддан ошаётган бир пайтда Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди) ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ижроси амалда ниҳоясига етди. Дунё давлатлари тажрибасида ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 3-5 фоизидан ошмаётган бир паллада Ўзбекистонда бу кўрсаткичнинг 10-12 фоизни ташкил этаётгани ёшлар масаласи энг устувор вазифа бўлиб қолаётганининг яна бир далолатидир.

Ўтган йиллар мобайнида таълим тизимини тубдан янгилаш ва ислоҳ этиш бўйича миқёси ва кўламига кўра улкан ишлар амалга оширилди. Қарийб 9,5 минг ёки мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мактабларнинг деярли барчаси янгитдан қурилди, капитал реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланди. Ўқув жараёнини сифат ва методик жиҳатдан бутунлай янгилаш бўйича улкан чора-тадбирлар амалга оширилди. 1500 дан ортиқ янги касб-ҳунар коллежи ва академик лицей барпо этилди. Улар ўз меъморий қиёфаси ва техник таъминотига кўра энг яхши олий ўқув юртларидан асло қолишмайди. Касб-ҳунар коллежларидаги замонавий ўқув-лаборатория, компьютер ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ўқувчилар учун умумий фанлар бўйича нафақат тўлиқ билимлар ҳажмини эгаллаш, айни вақтда ушбу ўқув юртларидаги замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш имконини ҳам беради.

Таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим ва профессионал кўникмаларни эгаллаши, айни пайтда чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиш, бугунги дунёда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиш, жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни эгаллашнинг энг муҳим шарти ҳисобланган хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганишлари учун катта аҳамият берилмоқда.

> ...олдимизда турган энг эзгу мақсадлар — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, аввалambор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган ёшларнинг қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

Таълим жараёнини ислоҳ этиш ва меҳнат бозорида талаб қилинадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашда олий ўқув юртлари муҳим ўрин эгалламоқда. Ўтган давр мобайнида уларнинг сони икки баробар ортди.

Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети каби юксак халқаро обрў-эътибор ва чуқур тарихий илдизларга эга бўлган Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ушбу олий ўқув юртларида машинасозлик, нефть-газ иши, ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва бизнес бошқаруви, молиявий менежмент, тижорат ҳуқуқи каби меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланаётгани эртанги кунимиз саодатидан дарак беради. Ёдингизда бўлса, Юртбошимиз жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг бориши билан танишиш мақсадида шу йил 19 июнь куни Жиззах вилоятига ташрифлари чоғида мураккаб дастгоҳларни созлаш ишларини бажараётган ёш мутахассислар билан суҳбат асносида бугунги кунда ўзбек ёшлари ақл-заковат, иқтидор ва қобилият, интилиш ва ташаббус бобида хорижда ҳам кўпчиликнинг ҳавасини тортаётганини қайд этишлари бежиз эмасди. Хусусан, ўшанда Германиянинг Шлафхорст компанияси менежери Оспар Илтнер ўзбек ёшларининг зукколиги ва тиришқоқлигидан ҳайратга тушганини эътироф этганди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда ёшларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш муҳим ўрин эгаллайди. Бюджет, ҳомийлик ва хайрия маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш Жамғармаси маблағлари ҳисобидан қарийб 1500 та энг замонавий, барча ёшлар фойдаланиши мумкин бўлган болалар спорти объекти барпо этилди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги деярли ҳар бир мактаб, коллеж ва лицей очиқ спорт майдончалари қаторида замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланган ёпиқ спорт заллари ва сузиш ҳавзаларига эгадир.

Юртимизда уч босқичдан иборат, ҳар йили ўтказиладиган, мактаб ўқувчилари учун алоҳида, касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари учун алоҳида беллашувларни, олий ўқув юртлари талабалари учун Универсиадани ўз ичига олган яхлит спорт мусобақалари тизими шаклланди. Бундай тизим юз минглаб фарзандларимизни, йигит ва қизларни оммавий равишда жисмоний соғломлаштириш ва спорт ҳаракатига жалб этиш имконини бермоқда.

Таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш одамларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг сиёсий ва граждaнлик фаоллигини, ўз келажагига бўлган ишончини оширишнинг энг муҳим омили ва мустаҳкам асосига айланди десак, муболаға бўлмайди. Энг муҳими шундаки, янги авлод, билимли, ўтмишнинг ҳар қандай иллатларидан озод бўлган ёшларимиз бугунги кунда мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, уни янгилаш ва ишончли тарзда равнақ топтиришнинг ҳал қилувчи ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда.

**Абдукамол РАҲМОНОВ,**
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси







**Намангандан дараклар**

## “Ҳуррият”га тўёна

Энг улуғ, энг азиз айём истиқлолнинг 22 йиллик тўйи Янгиқўрғон тумани Навкент қишлоғида жойлашган «Ҳуррият» маҳалласи аҳлига янада шукуҳли келди. Зеро, мазкур маҳалла аҳли байрамни янги бинода нишонлайдиган бўлишди.

Таъкидлаш жоизки, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Янгиқўрғон туман бўлими томонидан ажратилган 15 миллион сўмлик маблағ мазкур хайрли ишнинг бошланишига сабаб бўлган эди. Қолган ишлар ҳамжиҳат, ҳаммаслак маҳалла аҳлининг бир ёқадан бош чиқариб қилган саъй-ҳаракати эвазига поёнига етказилди. Янада аниқроғи, ҳурриятнинг 22 йиллик тўйи арафасида 6 хонадан иборат кўркам янги бино халқимизга хос азалий қадрият — ҳашар йўли билан бунёд этилди.

## Алоқа яхшиланади

Янгиқўрғон туман телефон алоқаси боғламаси бригадири Раҳмонжон Кенжабоевнинг таъкидлашича,

“Ўзтелеком” давлат акциядорлик компаниясининг Наманган филиали томонидан туманнинг “Янгиқўрғон-Бекобод” йўналишида янги шиша толали кабель ётқизиш ишлари давом эттирилмоқда.

Қарийб 13 километр масофада олиб борилаётган мазкур ишлар истиқлол байрами арафасида поёнига етказилади. Энг муҳими эса шу муносабат билан мазкур ҳудуд аҳолисига телефон алоқаси хизмати кўрсатиш тубдан яхшиланади.

С.АБДУРАҲМОНОВ

# Соҳадаги ислоҳотлар

## соғлом жамият барпо этиш кафолатидир

**Дастур доирасида**

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида ўтказилаётган ислоҳотлар замирида эл-юрт саломатлиги, инсон манфаатлари ётади. Ана шундай кенг қамровли ислоҳотлар самараси ўлароқ, ўтган 22 йил ичида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ихтисослаштирилган марказлар ташкил этиш, шошилинч тиббий хизматни такомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш, фармацевтика соҳасини ривожлантириш каби йўналишларда мақтовга арзигулик ютуқларга эришилди.



Ҳусан АСРОРОВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси ташаббуси билан партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳамкорлигида пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 7-клиник шифохонада «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш — соғлом жамият барпо этиш ва баркамол шахсни voyага етказиш кафолати» мавзуида ўтказилган давра суҳбатида шу хусусда сўз борди. Фракция аъзолари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари, соҳа ходимлари, партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси раҳбари С.Турсунов ҳамда партия Сиёсий Кенгаши раиси Н.Умаров мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббиёт, республика ҳамда вилоятларда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасаларининг мукаммал тармоғи яратилгани, ҳар жиҳатдан баркамол янги авлодни voyага етказиш, халқ соғлиғини мустаҳкамлаш бош мақсад қилиб белгиланганлигини таъкидлаб, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларда “Адолат” партиясининг иштироки хусусида сўз юритдилар.

Маълумки, Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурининг «Соғлиқни сақлаш: сифат ва фойдаланиш имконияти кафолатлари» деб номланган бўлимида партиянинг бу борадаги вазифалари аниқ белгиланган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тиббиёт соҳаси ходимлари партия электорати саналади. Шу нуқтаи назардан партия тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш, уни янада ривожлантириш, айниқса, тизимнинг ҳуқуқий жиҳатларини янада такомиллаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

**Зуҳра БОТИРОВА,**
**Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:**



— Фахр билан айтиш жоизки, мамлакатимиз тиббиёт тизимини ислоҳ қилиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилди ва бу борадаги ўзгаришлар халқаро миқёсда ҳам тан олинмоқда. Ўзбекистон Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг фаол аъзоси сифатида бир қанча истиқболли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. ОИТС, сил касалликлари, эмлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ташқи муҳит, овқатланиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги каби йўналишларни қамраб олган лойиҳалар ана шулар жумласидандир.

Президентимизнинг 2007 йил 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилиниши тизимни янада ривожлантириш борасидаги эзгу мақсадлар йўлида дастуриламал бўлди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси бўйича айни кунда республикамизнинг барча вилоятларида ягона стандартлар асосида хизмат кўрсатувчи кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари, замонавий технологияларга эга, малакали кадрлар билан таъминланган замонавий диагностика марказлари ташкил этилди. Шуни таъкидлаш керакки, “Одам иммун танқислиги вируси чақирувчи касалликларнинг олдини олиш тўғрисида”, “Гиёҳванд ва психотроп моддалар тўғрисида”, “Фуқароларга психиатрик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”, “Аҳолини сил касаллигидан ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Қон ва унинг компонентлари донорлиги тўғрисида”, “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”, “Аҳолининг микронутриент етишмовчилигининг олдини олиш тўғрисида”ги қонунлар аҳоли саломатлигини сақлашда, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда салмоқли аҳамиятга эга бўлди.

**Саидмурод САЙДАЛИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, Республика Бош Давлат санитария врачи:**



— Мамлакатимиз тиббиёт тизимидаги ютуқлар 2011 йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзуидаги халқаро симпозиумда ҳам эътироф этилди. Халқаро эксперт ва таҳлилчилардан иборат қарийб 300 нафар мутахассис қатнашган тадбирда Ўзбекистон тиббиётининг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга эканлиги эътироф этилди.

Шуни чексиз фахр ва ифтихор билан айтиш мумкинки, илгари ҳатто тасаввуримизга ҳам сиғдиришимиз қийин бўлган скрининг ва перинатал каби янги тиббий марказларнинг кенг тизими жорий этилди. Айни пайтда мамлакатимизнинг барча вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида ҳар икки мукаммал тизим марказлари самарали фаолият юритмоқда. Мана шундай ислоҳотлар натижасида йигирма икки йил давомида юртимизда бир ёшгача бўлган гўдаклар ва оналар ўлими 3 баробардан кўпроқ камайди, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 7 йилга узайиб, бу кўрсаткич эркаклар ўртасида 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етди. Тўғри, биз қилинган ишлар хусусида гапирганда, кўпинча уларни рақамлар ва фоиз ҳисобида ифодалашга одатланганмиз. Аммо эътибор беринг: агар оналар ўлими уч баробар камайган бўлса, биз юртимиз бўйича қанча она, қанча инсоннинг ҳаётини сақлаб қолган, қанча оилага бахт улашган бўламиз! Бир қарашда оддий кўринган рақамлар негизида мана шундай ҳаётий масалалар ётибди.

**Муқаддас УМАРОВА,**
**Юнусобод туман тиббиёт бирлашмаси Бош шифокори:**



— Баъзи мамлакатларда, ҳатто ривожланган давлатларда ҳам соғлиқни сақлаш муассасалари, асосан, шаҳарларда жойлашганлиги туфайли қишлоқ аҳолиси тиббий хизматлардан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келади. Мамлакатимизда яратилган миллий моделнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, бизда энг чекка аҳоли пунктларида яшовчи фуқароларга ҳам худди шаҳарлардаги каби бир хилда малакали тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Юртимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳомиладор аёлларни таркибида соғлиқ учун зарур микронутриентлар мавжуд бўлган махсус поливитаминлар билан таъминлаш орқали соғлом ва баркамол фарзандларни дунёга келтириш бўйича амалга оширилаётган профилактика чора-тадбирлари жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатида учрамайди. Шу маънода, давлатимиз томонидан поливитаминларни харид қилиш учун керакли миқдорда маблағ ажратилиб, ҳар йили қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган 400 минг нафар ҳомиладор аёлни соғломлаштириш, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш ва болаларнинг туғма нуқсонлар билан туғилишининг олдини олиш имконияти яратилаётгани эътиборга сазовордир. Бундан ташқари, унни зарур микроэлементлар билан бойитиш, тузни йодлаш дастурлари ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бундай хайрли ишлар самараси ҳамда даволаш ва профилактика хизматларининг ўз вақтида кўрсатилаётгани сабабли, аҳоли ўртасида йод танқислиги ва туғиш ёшидаги аёллар орасида камқонлик касаллиги сезиларли даражада камайди.

Айтиш жоизки, ҳар қандай хасталикни даволашдан кўра унинг олдини олган афзалдир. Бу аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, ҳар бир инсоннинг ўз саломатлигига бўлган масъулиятини янада кучайтиришни тақозо қилади. Бунда табиийки, шифокорлар билан бир қаторда жамоат ташкилотлари ва сиёсий партияларнинг ҳам фаоллиги зарур деб ўйлайман.

Мустақиллик мамлакатимизда халқаро андозалардаги тиббий хизмат кўрсатиш асосларини яратиш имконини берди. Бундан кейинги тараққиётимиз, шак-шубҳасиз, Ўзбекистон тиббиётининг янада барқ уриб ривожланиш даврини юзага келтиради.

Эътироф этилдики, мамлакатимизда жорий йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши ҳамда шу асосда Давлат дастури қабул қилиниши муносабати билан тиббиёт соҳасига оид муҳим вазифалар белгиланди ва у муваффақият билан бажарилмоқда. Айни пайтда Дастурда кўзда тутилган долзарб вазифаларни амалга оширишда давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорликда иш юритиб, тиббиёт мутахассисларига ташкилий-услубий йўналишларда кўмак бериб келмоқдалар.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурида аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш тарафдори эканини, партия бу борадаги ўз саъй-ҳаракатларини давлат соғлиқни сақлаш секторини мустаҳкамлаш тизимини такомиллаштиришга йўналтиришини алоҳида таъкидлашди. Мамлакатимизда инсон саломатлигини асраш устувор вазифа сифатида ҳаётга татбиқ этилаётган экан, бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳар биримизни янада фаолликка ундайверади, дейишди давра суҳбати иштирокчилари.

**Фарҳод ЭСОНОВ,**
«Adolat» мухбири

# Бошқарувда очиқлик ва ошкоралик сари

**Ҳуқуқий эксперимент**

Давлат бошқарувининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим омилларидан саналади.

Дарҳақиқат, юртимизда аҳолини давлат ҳокимияти органлари фаолияти, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар, авваламбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор қилиб боришни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўринда гап “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида борар экан, у синовдан ўтиб, амалиётга жорий этилса, ахборот хизматининг мақсад ва вазифалари янада ойдинлашиб, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги кенгроқ даражада таъминланган бўлади.

Эътиборлиси шундаки, ҳуқуқий тажриба барча давлат бошқаруви органлари ахборот хизматлари қатори солиқ идорасининг ахборот хизмати фаолиятига ҳам ижобий таъсир ўтказмоқда. Хусусан, Давлат солиқ қўмитасининг махсус электрон сайти мунтазам ишлаб турибди. Сайтда бошқармамизнинг ҳам ўз саҳифаси мавжуд. Улардаги маълумотлар ва хабарлар мунтазам янгиланиб борилмоқда. Бундан ташқари, солиқ тизимида ташкил этилган 20 дан ортиқ интерфаол хизматлар ахборот олиш ва тарқатишда тезкор ва ишончли манба вазифасини ўтамоқда. Бошқармага ташриф буюрадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборотни эркин ва монеликсиз олишлари учун барча шарт-шароит яратилган.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг ўтган даврида вилоят давлат солиқ бошқармаси ва унинг ҳудудий давлат солиқ инспекцияларига фуқаролардан 200 га яқин мурожаат келиб тушган. Белгиланган тартиб бўйича уларнинг 60 таси қаноатлантирилди, 105 тасига тушунтириш берилди, айримлари тегишли органларга юборилган бўлса, яна 10 таси айни дамда кўриб чиқилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқий эксперимент ахборотдан фойдаланувчиларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти хусусида ахборот олишларига, фаолиятимизда очиқликни таъминлашга, энг муҳими, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини бойитишга хизмат қилади.

**Умид ҲАМРОЕВ,**
Ромитан тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

# Инновацион ғоялар — тараққиёт омили

**Семинар**

Яқинда Тошкент ирригация ва мелиорация институтида инновацион ихтироларга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси гидрометеорология хизмати маркази, республика Фермерлар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, мутахассислар, фермерлар, ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари, ёш тадқиқотчилар иштирок этишди. Шунингдек, Глобал экологик жамғарманинг кичик грантлар дастури доирасида мамлакатимиз илм-фан муассасалари олимлари ва амалиётчилар ҳамкорлигида ҳаётга татбиқ этилаётган экологик соф технологиялар ярмаркаси намойиши ҳам бўлиб ўтди.

Тадқиқотчиларимиз томонидан яратилган ана шундай тўртта ишланма БМТнинг халқаро wokat дастури рўйхатига олингани ва дунё миқёсида оммалаштиришга тавсия этилгани мамлакатимиз илм-фан салоҳияти юксалаётганидан далолатдир.

Бу жараёнда халқаро ҳамкорлик яхши самаралар бермоқда. Буни Глобал экологик жамғарманинг кичик грантлар дастури асосида амалга татбиқ этилаётган лойиҳалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур тадбирда йигирмага яқин ана шундай инновацион ишланма намойиш этилди. Муқобил энергия ишлаб чиқарадиган минитехнологиялар, ер унумдорлигини оширадиган, сувни тежайдиган, биохилма-хилликни асрашга қаратилган бундай технологиялардан турли соҳаларда кенг фойдаланилаётгани табиий мувозанатни асраш ва иқтисодий ривожланишга хизмат қилаётир.

Семинарда Наманган вилояти Уйчи туманидаги «Жамолиддин Сардор» фермер хўжалигида жорий этилган томчилатиб суғориш технологияси сув сарфини уч баробар камайтириши, ҳосилдорликни ва ер унумдорлигини ошириши, меҳнат ресурслари сарфини камайтириши таъкидланди. Мазкур фермер хўжалигида тежалган маблағ эвазига томчилаб суғориш технологиясини ишлаб чиқарадиган кичик цех барпо этилди. Фермер хўжалигининг бу йўналишдаги ўзига хос тажрибаси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Кўргазмада намойиш этилган деҳқончилик, фитомелиорациянинг янгича услублари, биогаз олиш технологиялари, каналларни изоляциялаш, томчилатиб суғориш, кичик гидростанциялар қуриш, ўрмонларни асраш, деградацияга учраган ерларда индигофера ўсимлиги етиштиришга оид стендлар ҳам қатнашчиларнинг эътиборини тортди.

**Ҳилола АБДУРАҲМОНОВА**



# Ватан

## билимдон фарзандларига суянади

Давоми. Боши 1-бетда

Истибдод даврининг оғир кечмишларини кўрган, бошидан кечирган бугунги катта авлод вакиллари истиқлолни кўз қорачиғидек асрашни, мустақиллик биз учун олий неъмат эканини янада чуқурроқ ҳис қиладилар. Бугунги саодатли авлод — биз ёшларга мустақилликнинг моҳиятини теран англашимизда ҳаётий ибрат бўладилар. Истиқлол туфайли тинч ва обод юртимизда ҳар бир осойишта кунимизни қадрлаш эртанги истиқболимизни ўз қўлимиз билан эмин-эркин яратиш деганидир.

Бугун Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрни бор. Халқаро миқёсда ўтказилаётган турли мусобақаларда ҳар гал ғолиб юртдошларимиз юртимиз байроғини баланд кўтарганида мамлакатимиз довруғи янада ортаверади. Бундай мусобақаларда ўз Ватанининг озод ва обод экани инсонга куч ва ишонч, шиддат бағишлаши аниқ.

Халқимизнинг ҳар жабҳада акс этаётган бунёдкорлик, яратувчанлик қудрати нималарга қодирлигини бугун бутун дунё кўриб-билиб, эътироф этмоқда. Чиндан ҳам эмин-эркин яшаётган инсон, бутун бир миллат ўз мақсади сари дадил ва ишонч билан одимлайди, довонлар ошади. Ўз тараққиёт йўлини ўзи танлаган халқимизнинг истиқлол йилларида эришган ютуқларида бунинг ёрқин ифодаси бор.

Ҳар бир соҳада амалга оширилаётган туб ўзгариш ва янгиланишлар юртдошларимизнинг маънавиятидаги, тафаккуридаги янгича қарашлар билан уйғун тарзда намоён бўлаётгани қувонарлидир.

Хусусан, ҳар бир юртдошимизнинг ҳуқуқий билимдонлик даражаси йилдан-йилга ўсиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Ёшлар қай бир касбни танлашидан қатъи назар, ҳуқуқий билимларни ўзига зарур даражада билишга, ўрганишга интилмоқда. Чунки инсонпарвар жамиятимизда у ўз ҳуқуқини ҳаётда қўллаш ва бу ҳуқуқларни қадрлаб яшаш имконига эга. Инсон манфаатлари устувор ўрин тутган бу ҳуқуқ ва эркинликлар жамиятимизда амал қилаётгани уларнинг ҳаётчанлик хусусиятини ифодаламоқда. Конституция ва қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган бу барча ҳуқуқий асослардан ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётида манфаатдор эканини дилдан ҳис қилади. Ана шу ҳаётчанлик туфайли аҳоли, айниқса, ёшларда ҳуқуқий билимларни ўрганишга иштиёқ ортмоқда. Буни барча ҳамкасбларимиз кундалик фаолиятида доимий кузатаётгани бежиз эмас.

Дейлик, ўз оиласида фарзандларининг фикр ва қарашларига диққат билан назар солган каттароқ ёшдаги ота-оналарнинг аксарияти ўз ёшлик пайтларида ҳуқуқий билим деган тушунчанинг ўзи ҳақида тасаввурга эга бўлмаганлигини, фарзандларининг бу борадаги билимдонликлари ўртасида кескин фарқни кўриши аниқ. Бундай билимдонликка эга бўлиш нафақат давр талаби, балки ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий билимларни катта ғурур ҳисси билан ўрганишга бўлган иштиёқ ва истаклари ҳамдир.

Ёшларнинг онг-шуурида ҳуқуқлари билан бирга бурчлари ҳақидаги тасаввур ва тушунчалар ҳам мустаҳкам акс этиши бу борадаги тарғибот ишларимизнинг самараси ҳисобланади, албатта. Зеро, эл-юрт, Ватан олдидаги бурч ҳисси инсонни ватанпарвар, ўз халқига садоқатли, она заминга меҳрли, маънан етук бўлишида ҳаётий аҳамиятга эга. Бурч ҳиссини чуқур англаган ва амал қилган, маънан етук инсонда ҳаётни, одамларни қадрлаш ва ўз юртидан фахрланиш, ифтихор туйғуси намоён бўлади. Ватан ҳамиша уни севган, садоқатли, билимдон фарзандларига суянади. Биз ўз халқига таянч бўла оладиган мустақил Ватанда яшаётганимиз, буюк Истиқлолнинг халқимизга инъом этган олий неъматлари туфайли мамлакатимизни гуллаб-яшнаётганидан бахтиёр ва саодатли авлодмиз. Бу улуғ ишларда фидойилик кўрсатмоқ, ўз танлаган соҳамизда билим ва иқтидоримизни намоён этмоқ маънавий бурчимиз, қалб истагимиздир.

**М.АБИДОВА,**
Адлия вазирлиги масъул ходими

# Атроф-муҳитнинг трансчегаравий ифлосланиш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари

Давоми. Боши 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров семинарни очар экан, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилаётгани, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, жумладан, соғлом ҳамда қулай атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлаш ушбу сиёсатнинг устувор йўналиши эканини таъкидлади.

Ўзбекистонда экологик хавфсизликни таъминлаш учун изчил институционал ва ташкилий чоралар кўрилмоқда. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган ҳамда тегишли халқаро нормаларга мос ҳуқуқий база яратилган. Мамлакатимиз БМТнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор тараққиёт соҳасидаги энг муҳим конвенциялари ҳамда бошқа халқаро ҳужжатларни ратификация қилиб, зиммасига олган барча мажбуриятларни бажариб келмоқда. Табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчиликни амалга ошириш механизми ишлаб чиқилган, мақсадли давлат дастурлари, миллий ҳаракат режалари ҳаётга татбиқ этилаётир. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим қисми бўлган ушбу хайрли ишларда жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ва изчил чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда истиқлол йилларида атмосферага зарарли моддаларни чиқариш 2 баробар, ифлосланган оқова сувларни оқизиш 2,2 баробар камайтирилди. Сўнгги бир неча йилда қишлоқ хўжалигида пестициддардан фойдаланиш 5 баробар қисқартирилди, саноат корхоналарида экологик хавфсиз технологиялар кенг жорий этилаётир, ишлаб чиқариш чиқиндилари чуқур қайта ишланиб, тозалаш қурилмалари модернизация қилинмоқда. Бу эса нафақат экологик, балки катта иқтисодий самаралар бераётир.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Б.Алихонов ўз маърузасида таъкидлаганидек, Ўрта Осиёда, жумладан, мамлакатимизда қатор жиддий трансчегаравий экологик муаммолар мавжуд.

Тожикистондаги «Талко» ДУК алюминий корхонасининг заҳарли ишлаб чиқариш чиқиндиларининг Ўзбекистон ва Тожикистоннинг мазкур корхона яқинида жойлашган туманлари аҳолиси саломатлиги ҳамда экологиясига ҳалокатли таъсир кўрсатаётгани ҳам шундай кескин муаммолар сирасига киради. Экологик меъёрларга риоя этилмасдан, қолоқ технологиялар асосида қурилган мазкур завод фаолияти минтақада минг йиллар давомида шаклланган экотизим бузилишига, аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот олами учун катта хавф туғилишига сабаб бўлаётир.

Муаммонинг моҳияти шундаки, «Талко» ДУКнинг фтор аралашмаси, заҳарли газлар — углерод, олтингугурт, углеводородлар оксидлари ва бошқа зарарли моддаларнинг кўплиги билан ажралиб турадиган ташланмалари ҳудуд аҳолисига салбий таъсир кўрсатмоқда. Улар, биринчи навбатда, сурункали эндокрин ва суяк-мушак тизими, юқори нафас олиш йўллари, туғма аномалия ва флюороз, шунингдек, онкология касалликларидан азият чекмоқда.

Семинар қатнашчилари тадбир арафасида Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Денов, Узун ва бошқа туманларида бўлиб, «Талко» ДУК фаолияти табиий муҳит ва одамлар саломатлигига қанчалик катта зарар етказаётганини ўз кўзлари билан кўриб, ишонч ҳосил қилдилар.

Атроф-муҳитни ўрганиш институти директори **Майкл Эдельштейн** (АҚШ) шундай деди: «Бизда «Талко» ДУКнинг бутун фаолияти давомида атроф-муҳитга етказган зарарини ўрганиш натижалари бор. Сурхондарё вилоятининг энг кўп зарар кўрган туманлари аҳолиси ана шундай оғир машаққатни бошидан кечирмоқда, улар мазкур экологик вазиятнинг қурбонлари ва маҳкумларига айланган. Корхона қувурларидан чиқаётган заҳарли тутун Ўзбекистон томон эсаётганини кўрдик, одамларга, табиат ва иқтисодиётга қандай зарар етказаётганига ишонч ҳосил қилдик. Мазкур ҳудуддан узоқда яшаб, бу ерда аҳоли қандай кун кечираётгани ва нималарни бошидан ўтказаётганини тасаввур қилиш қийин. Улар нафас олаётган ҳаво, ичаётган сув, шу ерда етиштирилган ва истеъмол қилинаётган нон заҳарли моддалар билан зарарланган. Бироқ, мазкур корхона фаолиятидан фойда кўраётганлар буларнинг барчасини ҳамон инкор этиб келмоқда. Биз вазиятни яхши томонга ўзгартиришимиз ва бунинг учун зарур чораларни кўришимиз шарт».

«Бугун Ер юзида содир бўлаётган кўплаб фалокат ва табиат инжиқликлари инсон фаолияти билан боғлиқ, — дейди Вагенинген университети профессори, иқлим ўзгариши соҳасидаги тадқиқотлари учун Нобель мукофотига сазовор бўлган **Рик Лиманс** (Голландия). — Барқарор ривожланиш масалалари ғоят долзарб аҳамият касб этмоқда. Барқарор ривожланишни таъминлаш учун яқин йиллар ичида атмосферага чиқарилаётган ташланмалар миқдорини 90 фоизга камайтиришимиз даркор. «Талко»нинг одамлар саломатлиги, ҳайвонлар ва ўсимликлар, жумладан, қишлоқ хўжалиги экинлари маҳсулдорлиги, демак, минтақа тараққиётига ўта хавфли таъсир кўрсатаётган газсимон чиқиндилари ҳам жиддий муаммолардандир. Самарасиз ва эскирган тозалаш ускуналарига эга «Талко» ДУК ҳар йили атмосферага қарийб 22-23 минг тонна заҳарли моддалар, жумладан, одамлар саломатлиги ҳамда атроф-муҳит учун ўта хавфли 200 тоннадан зиёд фторли водород чиқармоқда. Шу боис биз барча манфаатдор томонлар, мустақил экспертлар, олимлар иштирокида маҳаллий ва минтақавий тадқиқотларни ўтказишни қўллаб-қувватлаймиз. Шунингдек, бу борада самарали мулоқотни йўлга қўйиш керак. Тошкентда ўтган мазкур халқаро семинар бунга яхши мисол бўла олади. Шундагина муаммонинг мақбул ечимини топиш мумкин».

Халқаро семинар қатнашчилари Тожикистондаги «Талко» ДУК корхонасининг ишлаб чиқариш фаолияти натижасида атроф-муҳитнинг трансчегаравий ифлосланиш муаммосини ҳар томонлама муҳокама этиб, Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятидаги шимолий туманлар ва Тожикистоннинг Турсунзода туманида мазкур корхонанинг атроф-муҳит ҳамда аҳоли саломатлигига ҳалокатли таъсири туфайли юзага келган вазият тобора мураккаблашиб, кескин тус олаётганини алоҳида таъкидлади. Атмосфера ифлосланишига сабаб бўлаётган ушбу муаммони бартараф қилишга доир қатъий чоралар кўрилмаса, бу ерда яшаётган бир миллиондан ортиқ аҳолининг ҳаёти учун ўнглаб бўлмас оқибатлар келиб чиқиши мумкинлиги қайд этилди.

Семинар қатнашчилари атмосфера, сув ресурслари, тупроқда фторли водород ҳамда «Талко» ДУК чиқараётган бошқа заҳарли моддалар миқдори ошиб кетаётгани оқибатида турли касалликлар кўпайиб бораётгани, айниқса, чақалоқлар ўлик туғилаётгани алоҳида ташвиш туғдираётганини қайд этди. Ушбу заҳарли моддаларнинг трансчегаравий таъсирида қолган туманларда болалар ва катта ёшли аҳолининг патологик бузилишлар такрорланиши бўйича касалланиш даражаси Сурхондарё вилоятидаги ўртача кўрсаткичдан 3 баробар юқоридир.

«Алюминий ишлаб чиқариш зарарли технологиялар сирасига киради, — деди «Шиндонг ресорсез» компанияси президенти **Ким Ёнг Гу** (Корея Республикаси). — «Талко» катта миқдорда энергия истеъмол қилиб, атроф-муҳитни ўта хавфли моддалар билан заҳарламоқда. Ўтган асрнинг 50-60 йилларида Корея Республикаси ҳам шундай муаммога дуч келган эди. Муаммони ҳал этиш учун барча чораларни кўрдик, яъни самарали тозалаш иншоотлари қурилди, тегишли ускуналар ўрнатилди, экологик нуқтаи назардан хавфсиз технологияларга ўтилди. Менимча, Тожикистон алюминий корхонаси билан боғлиқ мазкур вазиятда ҳам шундай йўл тутиш лозим. Зеро, инсон ҳаёти ва саломатлигини ҳеч қандай фойда билан таққослаб бўлмайди».

Ҳудуд иқтисодиётига, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳасига ҳам катта зарар етказилмоқда. Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги пасаймоқда. Ўсимликлар, озуқа экинларида фтор миқдори кўплиги сабабли ҳайвонлар организмида ҳам ўнглаб бўлмас физиологик ўзгаришлар рўй бераётир. Чорва моллари сони, сут соғиш ҳажми камайиб бормоқда, гўшт ва сут маҳсулотлари сифати ёмонлашмоқда. Олиб борилган тадқиқотларда сутда фтор миқдорининг нормаси 9-13 баробар кўплиги аниқланган. Буларнинг барчаси одамлар ҳаёти ва саломатлигига жиддий хавф солмоқда.

Экспертларнинг фикрича, «Талко» ДУК томонидан етказилган иқтисодий зарар юз миллионлаб АҚШ долларини ташкил қилади. Семинар қатнашчилари ўз чиқишларида корхона табиат ва одамлар саломатлигига етказган катта зарарни баҳолаб бўлмаслигини қайд этди.

Чет эллик мутахассислар хулосасига кўра, корхонада асосий ишлаб чиқариш техникаси ресурслари тугаган ва ишлаб чиқаришнинг экологик хавфсизлиги таъминланмаётир. Экологик вазият тобора ёмонлашиб бораётганига қарамай, «Талко» ДУК ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатишнинг олдини оладиган замонавий тозалаш қурилмалари билан жиҳозлаш учун зарур ташкилий-техник ва табиатни муҳофаза қилиш чораларини кўрмаяпти.

«Уч йил аввал Сурхондарё вилоятига борганимизда «Талко» чиқараётган зарарли моддалар таъсирида боғлар, узумзорлар нобуд бўлаётгани, болалар касалликка чалинаётганининг гувоҳи бўлган эдик, — деди Европа тарихий минтақалари иттифоқи раиси **Витторио Жоржи** (Италия). — Етказилаётган зарар миқдори йилдан-йилга ортиб бормоқда. Илгари иқтисодиётнинг ривожланиши натижасида экология ифлосланишидан одамлар, атроф-муҳит зарарланганини кўрмаганман. Бу ҳақда Италия ва бошқа мамлакатлар матбуотида чоп этилган мақоламда ҳикоя қилинган. Халқаро ҳуқуқ иқтисодиётни барқарор ривожлантиришни таъминлаш воситаларини ва шу билан бирга, бугунги ҳамда эртанги авлодга қулай муҳитда яшаш имкониятини беради. Халқаро ҳамжамият умумқабул қилинган нормаларни бузганлар ўз қилмиши учун жавоб беришини таъминлаш борасида муайян ресурсларга эга. «Талко»нинг атроф-муҳитни заҳарлаётганини кўра-била туриб, буни тан олмаслик мумкинми!? Кўп йиллар мобайнида етказилган зарар ўрнини ким қоплайди? Муаммо одамлар манфаатлари инобатга олинган ҳолда ҳал этилиши керак. Менимча, мустақил экспертлардан иборат халқаро комиссия тузиш ва олинган натижалар билан халқаро судга мурожаат қилиш муаммони ҳал этиш йўлларидан биридир».

Семинарда қатнашган чет эллик экспертлар «Талко» ДУК ишлаб чиқариш чиқиндиларининг салбий таъсирини камайтиришга доир тегишли чоралар кўрилмаётгани, кўплаб халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, 1992 йил Рио-де-Жанейрода қабул қилинган Атроф-муҳит ва ривожланиш декларацияси ҳамда 1982 йилда қабул қилинган Бутунжаҳон табиат хартияси нормалари бузилаётганини алоҳида таъкидлади. 1994 йил 17 ноябрда имзоланган Тожикистон алюминий заводининг салбий таъсири зонасида экологик аҳволни яхшилаш бўйича ҳамкорликка оид Ўзбекистон-Тожикистон ҳукуматлараро битими ҳам амалда бажарилмаётир.

Бундан ташқари, халқаро экология ташкилотлари, Ўзбекистоннинг давлат ва жамоат тузилмалари, жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг хулоса ва мурожаатлари, Сурхондарё вилояти аҳолисининг мурожаатларига қарамай, Тожикистон томонидан тақдим этилаётган материалларда алюминий корхонаси ишлаб чиқариш фаолиятининг минтақадаги экологик вазият ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатаётгани, атроф-муҳитга зарар етказишга барҳам бериш чораларини кўриш зарурлиги инкор этилмоқда.

Технологиялар ва инновацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича Бранденбург институти президенти **Эдгар Клозе**нинг (Германия) фикрича, «шунча одамнинг битта корхона фаолияти туфайли азият чекишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Корхонанинг зарарли таъсир кўрсатаётгани ва ушбу долзарб муаммони ҳал этиш зарурлигини иккинчи томон тан олиши шарт. Фақат шундагина минтақада, биринчи галда, Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти туманларида юзага келган кескин экологик аҳволни юмшатиш учун эмас, балки уни буткул яхши томонга тўлиқ ўзгартириш бўйича самарали чораларни кўриш мумкин. Зеро, ҳатто бир бола, бир одамнинг жабр кўриши ҳам катта фожиадир. Ушбу туманларда эса юз минглаб одамлар яшайди. Шу сабабли мазкур корхонанинг экология ва аҳоли саломатлигига етказаётган ҳалокатли таъсирига зудлик билан барҳам бериш чораларини кўриш зарур, деб ҳисоблайман».

Уч кун давом этган халқаро семинарда билдирилган фикрларни умумлаштириш ва келинган хулосалар асосида тадбир иштирокчилари тегишли тавсияларни қабул қилди. Уларда «Талко» ДУКда ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар, унинг атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатишига йўл қўймайдиган табиатни муҳофаза қилишга оид бошқа чора-тадбирларни зудлик билан ўтказишнинг муҳимлиги алоҳида қайд этилган. Семинар қатнашчиларининг халқаро экология ташкилотлари, БМТ тузилмалари, жумладан, ЮНЕП, ЮНИСЕФ ва бошқа ташкилотлар, мамлакатлар парламентлари ва ҳукуматлари, халқаро жамоатчилик минтақада экологик барқарорликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш, «Талко» ДУКнинг ҳалокатли таъсири зонасида яшаётган аҳоли саломатлигини сақлаш бўйича шошилинч чоралар кўриши учун ушбу муаммога уларнинг эътиборини жалб қилиш зарур, деган фикри таъкидланган.

Шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умумқабул қилинган принцип ва нормалари, халқаро ҳуқуққа оид ҳужжатлар, БМТнинг инсон саломатлиги, унинг хавфсиз атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим ҳужжатлари эътиборга олинган ҳолда, мазкур корхона чиқараётган заҳарли моддаларнинг салбий трансчегаравий таъсирини бартараф этиш йўлларини топиш учун халқаро ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, Ўзбекистон ва Тожикистон жамоатчилигининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистонда «Талко» чиқараётган заҳарли моддаларнинг минтақа табиий муҳити ва аҳоли саломатлигига ҳалокатли таъсирини камайтириш мақсадида улкан ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. 2010-2012 йилларда Сурхондарё вилоятининг Денов, Сариосиё, Узун ва Олтинсой туманларида кўплаб кўп тармоқли туман поликлиникалари ва даволаш-профилактика муассасалари, элликдан ортиқ қишлоқ врачлик пункти барпо этилди. Уларнинг ҳаммаси замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Мамлакатимиз ҳукумати томонидан қабул қилинган 2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитини муҳофаза қилиш бўйича ҳаракат дастурининг амалга оширилиши ҳам салмоқли натижалар бермоқда.

Халқаро семинар қатнашчилари БМТ муассасалари, мамлакатлар ҳукуматлари ва халқаро экологик ташкилотларни Ўзбекистон Республикасининг, хусусан, парламенти, Экологик ҳаракати, кенг жамоатчиликнинг «Талко» ДУК ишлаб чиқариш фаолиятининг экология ҳамда одамлар саломатлигига ҳалокатли таъсирини бартараф этишга доир саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга даъват этди.

**Анна ИВАНОВА,**
ЎзА мухбири

# Оилавий корхона ягона солиқ тўлайди

**Солиқ тизими**

2012 йилнинг 26 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонун иқтисодиётнинг турли соҳаларида оилавий тадбиркорлик ва бизнес учун ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш, янги иш жойларини ташкил этишга хизмат қилмоқда.



Оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек, оилавий корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир.

Оилавий корхона фаолияти иштирокчиларнинг шахсий меҳнатига асосланади. Оилавий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан биридир. Оилавий корхона фаолиятини фақат юридик шахс амалга ошириши мумкин. Оилавий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлиши, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Оилавий корхона иштирокчилари ва ёлланма ходимларининг умумий сони кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан кўп бўлиши мумкин эмас. Бунда оилавий корхона иштирокчиларининг энг кам сони икки кишидан оз бўлмаслиги керак.

Қонунга кўра, давлат органларининг мансабдор шахслари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган бошқа шахслар оилавий корхона иштирокчилари бўлиши ёки бир оилавий корхона иштирокчиси бир вақтнинг ўзида бошқа оилавий корхона иштирокчиси бўлиши мумкин эмас.

Оилавий корхонанинг устав фонди корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар тақдим этиладиган санадаги қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Оилавий корхона фаолиятнинг айрим турларини фақат махсус рухсатнома (лицензия) мавжуд бўлганда амалга ошириши мумкин. Унинг мол-мулки национализация, мусодара ва реквизиция қилинмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Оилавий корхона қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай фаолият тури билан шуғулланиши мумкин.

Оилавий корхона қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ягона солиқ тўловини тўлайди. Оилавий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди.

Оилавий корхона меҳнат ҳақи фондидан ижтимоий фондларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда мажбурий тўловлар тўлайди. Оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилинади. Бундай буюмларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Оилавий корхонага кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар татбиқ этилади. Оилавий корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта амалга оширилади.

Янги ташкил этилган оилавий корхонанинг молия-хўжалик фаолияти у давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилмайди, бундан бюджет ва марказлаштирилган маблағлардан ҳамда ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ текширишлар мустасно.

**М.МИРЗА-АҲМЕДОВ,**
Олмазор тумани ДСИ
шўъба бошлиғи

**Сўранг, жавоб берамиз!**

Авваллари фарзандликка бола олиш масаласини маҳаллий ҳокимият кўриб чиқар эди. Энди эса бу ишни фақат фуқаролик ишлари бўйича суд ҳал қилар экан. Бунинг сабаби нимада?

*Хайринисо Жўраева,*
*Янгийўл тумани*

*Дарҳақиқат, аввалги қонунчиликка мувофиқ фарзандликка бола олиш билан боғлиқ ишлар маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга оширилган бўлса, эндиликда мазкур масала судлар томонидан кўриб чиқилади ва ҳал этилади. Бунинг сабаби фарзандликка бола олиш масаласи маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳал этилганда айрим туман (шаҳар) ҳокимларининг қарорлари судлар томонидан ҳақиқий эмас, деб топилгани ёки бундай қарорларнинг бекор қилингани билан боғлиқ.*

*Бундан ташқари, амалиётда фарзандликка олиш ҳақидаги қарорни тайёрлаш жараёнида фарзандликка олиш сири бузилган ҳолатлар ҳам кузатилди. Бу каби омиллар ушбу институтни такомиллаштириш лозимлигини тақозо этди.*

*Жорий йилнинг 30 апрелида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонунда Фуқаролик-процессуал кодекси ва Оила кодексига фарзандликка олиш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Фуқаролик-процессуал кодекси алоҳида $31^1$-боб ("Фарзандликка олиш") билан тўлдирилди. Унга кўра, суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ишлар тоифасига болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар ҳам киритилди.*

*Судларга болаларни фарзандликка олишни расмийлаштириш бўйича қўшимча ваколатларнинг берилиши болалар манфаатларини ҳимоялашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Фарзандликка олиш институтининг такомиллаштирилиши болаларнинг соғлом оила муҳитида вояга етишларига, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишга, бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини яратишга хизмат қилади.*

**Сайёра ШОМИРЗАЕВА,**
Янгийўл тумани ДНИ
нотариуси,
**Азиза ТОШХЎЖАЕВА,**
Зангиота тумани ФҲДЁ
инспектори

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ**

# Тожикистон «Талко» ДУК корхонасининг ишлаб чиқариш фаолияти экологияга ва одамлар соғлиғига кўрсатаётган ҳалокатли таъсирни бартараф этиш чоралари тўғрисида

Давоми. Боши 1-бетда

Тожикистон Республикасининг Турсунзода шаҳрида 1975 йилда қурилган, ишлаб чиқариш технологияси эскириб кетган, тозалаш тизими самарасиз бўлган алюминий корхонаси ҳар йили атмосферага 22-23 минг тоннага яқин ифлослантирувчи моддаларни, шу жумладан, 200 тоннадан ортиқ ғоят хавфли ҳамда одамлар саломатлиги ва атроф-муҳит учун зарарли бўлган фторли водородни чиқариб ташламоқда. Ҳозирги вақтда «Талко» ДУК фаолияти натижасида Сурхондарё вилоятининг шимолий туманлари ҳудудида атмосфера ҳавосидаги фторли водороднинг миқдори йўл қўйиладиган энг юқори концентрациядан (ЙҚЮК) ўрта ҳисобда 1,8-2 баравар, ёз ойларида эса 3,4 баравар ошиб кетмоқда.

Ушбу зарарли моддаларнинг талай қисми ҳаво оқими билан теварак-атрофга, шу жумладан, Ўзбекистоннинг Денов, Сариосиё, Узун ва бошқа туманлари ҳудудига ўтиб, минтақанинг минг йиллар давомида шаклланган экологик тизимини бузмоқда, шунингдек, бу ерда зич яшаётган 1 миллионга яқин аҳолининг соғлиғига ўнглаб бўлмайдиган даражада зарар етказмоқда.

Муаммонинг моҳияти шундаки, таркибида фтор бирикмалари, заҳарли газлар — карбон, олтингугурт оксидлари, углеводородлар ва бошқа зарарли моддалар жуда кўплиги билан ажралиб турувчи «Талко» ДУКнинг чиқиндиларидан атрофдаги аҳоли жабр кўрмоқда ва, биринчи навбатда, сурункали эндокрин ва суяк-мушак тизими, юқори нафас олиш йўллари касалликларидан, туғма аномалиялар ва флюороздан, шунингдек, онкология касалликларидан азоб чекмоқда.

Болалар ўртасида патологик касалликлар кўпайиб бораётганлиги, айниқса, хавотирга солмоқда. Охирги беш йилда Сариосиё туманида болаларнинг ўлик туғилиши ҳоллари 7,7 баравар кўпайган. Сариосиё туманида 175 минг аҳолининг 42 мингдан кўпроғи эндокрин касалликларга чалинган, Узун туманида яшайдиган 150 минг кишининг 100 мингга яқини эса турли ўзига хос хасталикларга дучор бўлган. Умуман олганда, Тожикистон алюминий корхонаси чиқиндиларининг трансчегаравий таъсирига учраган туманларда болаларнинг ҳам, катта ёшли аҳолининг ҳам касалланиши патологик бузилишларнинг қайталаниши жиҳатидан Сурхондарё вилоятидаги ўртача даражадан 3 баравар юқори.

Минтақанинг иқтисодиёти, қишлоқ хўжалигига жуда катта кўламда зарар етказилмоқда.

Алюминий корхонасининг зарарли чиқиндилари билан атмосфера, тупроқ, сув ресурслари ифлосланмоқда. Натижада боғлар барбод бўлмоқда, сабзавотлар, мевали дарахтлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги пасаймоқда. Сариосиё, Узун ва Денов туманлари ҳудудида охирги 20 йилда сабзавот экинларининг ҳосилдорлиги 27-46 фоизга, полиз экинларининг ҳосилдорлиги 24,4 фоизга, узумзорлар ҳосилдорлиги 37,8 фоизга пасайиб кетди, ушбу минтақа учун анъанавий бўлган пиллачилик деярли барҳам топди.

Фторидларнинг сабзавотлар ва меваларда, бошқа ўсимликларда тўпланиши йўл қўйиладиган энг юқори концентрациядан (ЙҚЮК) 11-19 баравар, буғдойда тўпланиши 5-6,5 баравар юқори. Ҳайвонлар организмида ўнгланмас физиологик ўзгаришлар юз бермоқда — уларнинг тишлари тушиб кетмоқда, илик суяклари қийшайиб кетмоқда, бўғимлар зарарланмоқда, шунинг натижасида йирик ва майда моллар бош сони қисқармоқда, соғиб олинаётган сут миқдори камаймоқда, гўшт-сут маҳсулотларининг сифати ёмонлашмоқда. Тадқиқотлар натижасида сут таркибидаги фтор нормадан 9-13 баравар, гўшт таркибида 10,9 фоиз юқори эканлиги аниқланган. Буларнинг барчаси одамлар ҳаёти ва соғлиғига жиддий таҳдид туғдирмоқда.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг баҳолашича, «Талко» ДУК томонидан биргина охирги 5 йилнинг ўзида етказилган умумий иқтисодий зарар 447,3 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Шу билан бирга, алюминий корхонасининг деярли 40 йиллик фаолияти давомида минтақа иқтисодиётига, одамлар соғлиғига ва атроф-муҳитга етказилган ҳақиқий зарарни аниқлашнинг имкони йўқ.

Шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистон томони доимий равишда мурожаат қилаётган бўлишига қарамай, Тожикистон томонидан халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг талаблари, шу жумладан, Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича декларациянинг (Рио-де-Жанейро, 1992 йил 14 июнь) қоидалари, шунингдек, икки томонлама битимлар доирасида қабул қилинган халқаро мажбуриятлар бажарилмаётир.

Чунончи, Ўзбекистон ва Тожикистон парламентлари депутатлик гуруҳлари қўшма мажлисининг 1991 йилда қабул қилинган қарори бажарилмай қолиб кетди. Бу қарорга мувофиқ заводнинг ишлаб чиқариш қувватларини қисқартириш, шу жумладан, 100 та электролизер ишини тўхтатиш, «экологик нохушлик ўчоғини зарарсиз ишлаб чиқаришга айлантириши ҳамда иккала республика аҳолисини, Сурхон ва Ҳисор воҳаларида истиқомат қилаётган миллатлар вакилларини экологик ҳалокатдан асраб қолиши» керак бўлган бошқа тадбирларни рўёбга чиқариш назарда тутилган эди.

1994 йил 17 ноябрдаги «Тожикистон алюминий заводининг салбий таъсир зонасидаги экологик вазиятни яхшилашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон — Тожикистон ҳукуматлараро Битими ҳам бажарилмай қолиб кетди.

Мустақил экспертлар, халқаро табиатни муҳофаза қилиш ташкилотларининг хулосасига кўра, минтақада экологик вазият ёмонлашиб бораётганлиги жиддий ташвиш туғдирмоқда.

Айни пайтда атроф-муҳитни ифлослантириб, минтақадаги экологик вазиятни мушкуллаштиришга чек қўйишга доир зарур чоралар қабул қилишга чақираётган халқаро жамоатчилик, халқаро экологик ташкилотларнинг талаблари бутунлай эътиборга олинмаётир. Чунончи, «Талко» ДУК трансчегаравий чиқиндилари Сурхондарё вилоятининг шимолий туманлари атроф-муҳитига ва аҳолиси соғлиғига ҳалокатли таъсир кўрсатаётганлиги туфайли вужудга келган экологик вазият муносабати билан ушбу масалани ўз мажлисида кўриб чиққан Бельгия парламентининг аъзолари, Латвия парламентининг депутатлари, БМТ атроф-муҳит бўйича дастурининг (ЮНЕП), Европа ва Осиёдаги бир қатор экологик жамоат ташкилотларининг экспертлари салбий фикр билдирдилар.

2012 йилда Жаҳон банки шафелигида ўтказилган аудиторлик текширувларининг материаллари «Талко» ДУК асосий ишлаб чиқариш техникасининг ресурслари тугаганлигидан, ускуналарнинг табиий равишда жисмонан эскириши юз берганлигидан, асосий ишлаб чиқаришни модернизация қилиш тугалланмаганлигидан, шу тариқа унинг хавфсизлиги ва экологик жиҳатдан тозалиги таъминланмаганлигидан далолат беради.

Халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг минтақада экологик вазият ёмонлашиб бораётганлиги ҳақидаги кўп сонли хулосаларига қарамай, Тожикистон томонидан турли даражаларда тақдим этилаётган материалларда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мурожаатига Тожикистон парламенти қуйи палатаси — Мажлиси намояндагон Мажлиси Оли раҳбариятининг 2013 йил 10 июндаги жавобида экология соҳасида вужудга келаётган вазият ҳамда аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича оғирлашиб бораётган аҳвол инкор этилади. Айни вақтда мустақил экспертларнинг материалларида қайд этилаётган амалдаги ҳолат, шунингдек, Тожикистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг эпидемиология ва гигиена илмий-тадқиқот институти ҳамда профилактик тиббиёт илмий-тадқиқот институти каби Тожикистоннинг нуфузли институтлари томонидан олиб борилган изланишлар «Талко» ДУК чиқиндиларининг таъсир зонасида вазият оғирлашиб бораётганлигидан далолат беради. Хусусан, Тожикистоннинг Турсунзода тумани, Ҳисор водийсидаги текширувдан ўтган катта ёшли аҳолининг умумий касалланиши, шунингдек, болаларда флюороз тарқалиши, аҳоли пункти «Талко» ДУКдан қай даражада узоқдалигига қараб 2001 йил ҳолатига кўра, 46 фоиздан 16,1 фоизгача ўзгаради. Тожикистоннинг Турсунзода туманида болалардаги туғма аномалиялар бошқа ҳудудлардагига қараганда уч баравар кўп учрайди.

Ўз-ўзидан равшанки, тобора оғирлашиб бораётган, Тожикистоннинг ҳам, Ўзбекистоннинг ҳам экологияси ва аҳолиси соғлиғига катта зарар етказаётган шундай кенг кўламли муаммога бундай муносабатни нормал деб ҳисоблаш мумкин эмас.

«Талко» ДУК саноат чиқиндиларининг ҳалокатли таъсирини камайтириш мақсадида Ўзбекистонда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина 2010-2012 йиллар даврида Сурхондарё вилоятининг Денов, Сариосиё, Узун ва Олтинсой туманларида энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган бир қатор кўп тармоқли туман поликлиникалари ва даволаш-профилактика муассасалари фойдаланишга топширилди, 54 та қишлоқ врачлик пункти (ҚВП) ташкил этилди. Ушбу масалаларни ҳал қилишда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 2013-2017 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракат дастури катта аҳамиятга эга.

«Талко» ДУК ишлаб чиқариш фаолияти туфайли оғир сурункали ва патологик касалликлардан, экологик муҳитнинг ўнглаб бўлмас даражада ўзгаришларидан жафо чекаётган одамларнинг соғлиғига ва аҳоли генофондига етказилаётган жуда катта зарарнинг кўлами тобора кенгайиб бораётганлигидан қаттиқ ташвиш билдириб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари қуйидагиларни кечиктириб бўлмайди, деб ҳисоблайдилар:

Биринчидан, Ўзбекистон ҳудуди доирасида «Талко» ДУК чиқиндиларининг одамлар соғлиғига ва табиий муҳитга салбий таъсирини бартараф этиш ҳамда камайтириш, минтақада экологик вазиятни соғломлаштириш бўйича ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўриш, бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий нормалар, ресурслар ва имкониятларни сафарбар қилиш.

Иккинчидан, барча манфаатдор халқаро экологик ташкилотлар, БМТ тузилмалари, парламентлар, ҳукуматлар ва халқаро жамоатчиликнинг эътиборини «Талко» ДУКнинг фаолият зонасидаги тобора оғирлашиб бораётган экологик ҳалокатни бартараф этишга, ушбу зарарли ҳамда одамлар соғлиғи ва атроф-муҳит учун хавфли бўлган корхонанинг фаолият соҳасини ўзгартириш бўйича шошилинч чоралар кўришга қаратиш.

Учинчидан, биз ишонамизки, вужудга келган аҳволдан қутилиш йўли бўлиши керак ва у албатта топилади. Трансчегаравий ифлослантириш муаммолари халқаро ҳуқуқнинг умумқабул қилинган принциплари ва нормаларини, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, БМТ тегишли қарорларининг инсон саломатлигини, унинг тоза атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилишга йўналтирилган қоидаларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиниши мумкин ва керак.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ва Тожикистондаги юз минглаб аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи, ушбу минтақада яшайдиган ва меҳнат қиладиган келгуси авлодларнинг тақдири мазкур масалаларнинг тезроқ ҳал қилинишига боғлиқ.

Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2013 йил 22 август*

---

**Сиёсий ўқиш**

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида, аҳолининг кенг қатлами ўртасида сиёсий партиялар фаолиятига бўлган қизиқиш ва иштиёқ кун сайин ортиб бораётган ҳозирги пайтда ҳар бир партия фаолининг сиёсий маърифат даражаси юқори бўлиши талаб этилади.

# Социал ғоялар тарғиботи — устувор вазифамиз

Қолаверса, партия ходими, ундан сайланган депутатлар олдида электорат ишончини қозониш, партия манфаатларини ҳимоя қилиш, дастурий вазифаларнинг жамият ривожидаги таъсирини оширишга эришиш, энг асосийси, бўлажак сайловларда муносиб иштирок этишдек масъулиятли вазифалар туради.

Бундай вазиятда партия доирасидаги сиёсий ўқувларни ўз вақтида ва доимий ўтказиб турилиши лозим бўлади, албатта. Шу боис, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси бу масалага алоҳида эътибор билан ёндашиб, тизимли равишда ҳудудий партия ташкилотларида сиёсий ўқувлар ташкил этилишини таъминлаб келмоқда.

Ана шундай маърифий тадбирлардан бири Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси томонидан партиянинг Мўйноқ тумани кенгашида ташкил этилди. Ҳудудий партия ташкилотининг барча даражадаги етакчилари, маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокидаги мазкур тадбир сайлов қонунчилигига бағишланди.

Туман партия кенгаши раиси П.Утениязова «Ўзбекистонда сайлов қонунчилигининг ҳуқуқий асослари» мавзусидаги маърузасида Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси талаблари асосида қонунчиликка киритилган ўзгартишлар сайлов эркинлиги принципини тўлиқ амалга ошириш, сайлов тизимини янада демократлаштириш, сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш ҳамда сайловнинг ошкора ва очиқ-ойдинлигини таъминлашга хизмат қилишини алоҳида эътироф этди. Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган мазкур концепция миллий сайлов тизимини янада ривожлантириш ҳамда эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда янги босқични бошлаб берганлиги таъкидланди.

— Юртимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда, — деди П.Утениязова. — Хусусан, кучли фуқаролик жамияти қуришда фуқароларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда мамлакатимизда сайлов тизимини янада такомиллаштириш йўлида дадил қадамлар қўйилди. Истиқлол йилларида юртимизнинг изчил тараққиётини ўзида ифодалаган ва халқаро демократик мезонларга мос сайлов тизимининг қонунчилик асослари барпо этилгани бунинг тасдиғидир.

Шунингдек, тадбирда партиянинг туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзоси Н.Мирзамуратов «Ўзбекистон «Адолат» СДП Сайловолди дастури мазмун-моҳияти, уни ижро этиш механизмлари» мавзусидаги маърузасида социал-демократик ғоялар тарғиботи ҳар бир партия фаолининг устувор вазифаси эканини алоҳида қайд этди.

Ўқув курси самарадорлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир маъруза юзасидан савол-жавоблар олиб борилди, ўзаро фикр алмашинилди.

— Юқори савияда ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимиз сайлов тизимида қилинган катта ишлар билан яна бир бор танишиш, бу борада ўзаро фикр алмашиш имкониятига эга бўлдим, — деди туман тиббиёт бирлашмаси қошида ташкил этилган БПТ раиси З.Оразбаева. — Мамлакатимизда сайлов жараёнига демократиянинг муҳим омили сифатида қаралади. Шу ўринда айтмоқчи эдимки, дунёдаги у ёки бу давлат сайлов тизимининг хусусиятлари, демократик даражаси, кўп жиҳатдан, шу давлатнинг жаҳондаги нуфузини ҳам белгилаб беради. Барча демократик давлатлар сингари Ўзбекистоннинг сайлов тизимида ҳам ана шу мукаммалик мавжуд.

Тадбир якунида иштирокчилар томонидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Шарипа ТОРЕШОВА,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Қорақалпоғистон Республикаси
Кенгаши матбуот котиби

---

# Муаммолар ечимини ўз вақтида илғаш

## ҳар бир депутат зиммасига катта масъулият юклайди

**Депутатлик гуруҳи**

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашидаги депутатлик гуруҳи ҳам жойларда қонунлар, фармон ва қарорлар, давлат дастурлари ижро этилиши устидан депутатлик назоратини амалга ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича комплекс вазифаларни ҳал этишда фаол иштирок этишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.



Бу борада депутатларнинг ўз сайлов округларида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари ваколати доирасида партия электоратининг ижтимоий манфаатлари ва эҳтиёжларини аниқлаш, тегишли масалалар ечими бўйича таклифлар ишлаб чиқиш борасида самарали фаолиятини ташкил этиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, депутатлар томонидан фуқароларнинг мурожаатларига бўлган эътибор ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Чунки депутат ўз ҳудудидаги сайловчилар билан ҳамнафас яшаши, уларнинг муаммоларини ҳал этишда фаоллик кўрсатмоғи лозим. Жамоатчилик назоратини ўрнатишда депутатлар зиммасига масъулият юклатилаётгани ҳам бежиз эмас.

Депутатлик гуруҳимизнинг ҳар бир аъзоси ўз сайланган округлари аҳолисининг бугунги турмуши, ҳудуддаги мавжуд муаммоларни қишлоқ фаоллари билан биргаликда ҳал этиб боришликни асосий вазифа деб қарамоқда. Сайловчиларнинг мурожаатлари асосида тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови билан чиқиб, қўйилаётган масалаларнинг ечимини топишга ҳаракат қилмоқда.

Масалан, Харабек қишлоғининг «Саддатаги» маҳалласида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар ичимлик суви муаммоси юзасидан мурожаат қилишган эди. Масала атрофлича ўрганилди. Ҳудудда ҳақиқатан ичимлик суви муаммоси мавжудлиги аниқланиб, тегишли мутасаддиларга депутатлик сўрови билан чиқилди.

Депутатлик сўрови бесамар кетмади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарорига асосан республика бюджети маблағлари ҳисобидан аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш режалаштирилди. Айни кунда 1,7 км. масофада бюджет маблағлари ҳамда 650 метр ҳомийлар маблағлари ҳисобидан ичимлик суви қувурлари ётқизилиб, муаммо ижобий ҳал этилди.

Шунингдек, Харабек қишлоғидаги 37-мактабгача таълим муассасаси томонидан тарбияланувчилар учун тўлиқ жой етишмаётганлиги тўғрисида мурожаат этилди. Масала ўрганилиб, тегишли ташкилотларга таклиф билан чиқилди. Ҳозирда мазкур мактабгача таълим муассасасида битта қўшимча гуруҳ очиш чоралари кўрилмоқда.

Фуқаролар ўзларининг ҳуқуқий муаммолари билан ҳам мурожаат қилмоқда. Шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида ана шундай мурожаатлар сони 28 тани ташкил этди. Мурожаатларнинг ҳар бири депутатлик гуруҳининг назаридан четда қолмаяпти.

Кучли ривожланган демократик жамият қуриш сари борар эканмиз, бу йўлда фуқароларнинг ислоҳотлар жараёнидаги фаоллигини ошириш билан бирга уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ҳам депутатлик гуруҳимиз алоҳида эътибор билан қарамоқда. Депутатлик қабулхонасига келган ҳар бир аризачига ҳуқуқий маслаҳатлар берилмоқда. Ҳудудларда партия ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳуқуқий саводхонликка қаратилган тадбирлар ташкил этилмоқда. Шу йилнинг ўзида 31 та ана шундай тадбирлар ташкил этилди.

Бугунги кунда депутатлик гуруҳимиз томонидан ёшларни, айниқса, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни тамомлаган йигит-қизларни иш билан таъминлаш масаласига ҳам жиддий аҳамият қаратилаётир. Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, ҳозир ўзим сайланган округ ҳудудида 12 та касб-ҳунар коллежида жами 16 та мутахассислик бўйича таълим олаётган 1762 нафар ўқувчининг бандлигини таъминлаш бўйича ишлар изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, 180 корхона ва ташкилотга бириктирилган битирувчилар ишлаб чиқариш муассасаларида амалиёт ўтаб, улардан ярми ушбу корхоналарга ишга жойлашди.

Шунингдек, ёшларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишларини таъминлаш мақсадида 11 нафар битирувчига тижорат банклари томонидан 24 миллион сўмлик кредит ажратилишига кўмак берилди. Тадбиркорлик фаолияти қўллаб-қувватланган ёшлар айни чоғда ўз фаолиятларини йўлга қўйиб, соҳада муайян ютуқларга эришмоқдалар.

Мухтасар айтганда, эришилаётган муваффақиятлар ўзимизники. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш, аҳолининг ҳар бир мурожаатини ўз жойида ҳал қилишга кўмаклашиш депутатлик гуруҳи аъзоларининг мақсад-муддаоси, фаолиятининг бош мезонидир. Зеро, ҳаётий муаммолар ечимини ўз вақтида илғаш, қонун ва қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилиш ҳамда уни аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш вазифаларига аҳамият қаратиш бугунги кунда ҳар бир депутат зиммасига катта масъулият юклайди.

**Акбаржон НАЗАРОВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг
халқ депутатлари вилоят
Кенгашидаги депутати

**БПТ-партия таянчи**

Мамлакатимиздаги муҳим сиёсий жараёнлар ва ўзгаришлар барча ижтимоий-сиёсий институтлар ва сиёсий партиялар, хусусан, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси олдига ҳам қатор вазифалар қўйди. Бу эса, янгича шароитда, шиддатли ўзгараётган замон талабларига мос бўлган ижтимоий ривожланишнинг маҳаллий дастурлари ижросини назорат қилиш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, жойларда бандлик дастурининг бажарилиши, тиббиёт, савдо, коммунал ва транспорт соҳаларидаги ишлар аҳволини мунтазам равишда ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда улар устидан жамоатчилик назорати олиб бориш имконини берди.



# Қувасойлик социал-демократлар

Натижада “Адолат” партияси сафларида Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига хизмат қилишдек эзгу мақсадларни ўз олдига муҳим вазифа этиб белгилаган аъзолар, хайрихоҳлар сафи кун сайин кенгаймоқда.

Сўзимиз тасдиғи сифатида шуни айтиш мумкинки, яқин йилларда ҳам Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳрида “Адолат” СДП аъзолари жуда камчиликни ташкил этарди. Боз устига, кенгаш жойлашган манзил у ёқда турсин, ҳатто аъзоларининг тайинли рўйхати ҳам йўқ эди. 2012 йилнинг апрель ойидан шаҳар партия кенгашига тажрибали раҳбар, иқтисод фанлари номзоди Дилором Меҳмонова раис этиб сайланди-ю, ишлар бутунлай ижобий томонга ўзгарди.

— Ҳар қандай сиёсий партия ўз фаолияти давомида, энг аввало, электорат манфаатларини тўла ва самарали ифода этиши лозим, — дейди Дилором Меҳмонова. — Бундай саъй-ҳаракат, ўз навбатида, электорат ва тарафдорларнинг ишончини қозонишга, халқ орасида обрў-эътибор топишга мустаҳкам замин ҳозирлайди. Аёнки, бу мақсадга эришиш бевосита кадрлар салоҳиятига, уларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш билан боғлиқ ишлар самарадорлигига боғлиқ. Шуни инобатга олиб, энг аввало, сафларимизда эл орасида обрўли кишиларни кўпайтиришга эътибор қаратдик. Улар ёрдамида қуйи бўғинларимиз фаолиятини кучайтиришга эришдик. Тез орада 6 та бошланғич партия ташкилоти тузишга муваффақ бўлдик. Аъзоларимиз сони 600 нафардан ошди.




Дарҳақиқат, “Адолат” СДП Қувасой шаҳар кенгаши фаоллари партиямиз олға сураётган ғоялар, айниқса, жамиятда қонун устуворлигига эришиш, қабул қилинажак қонунларга ижтимоий адолат тамойилларини сингдириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва суд ҳокимияти нуфузини янада мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ўзининг самарадорлигини кўрсата олаётган, республикамиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш имконини берадиган замонавий инновацион лойиҳалар ва ғояларни иқтисодиётга кенг татбиқ этиш каби масалаларни ижроия ҳокимиятлари олдига қўйиш орқали партиямиз нуфузини янада юқори кўтаришмоқда. Ўз навбатида, жамиятда ижтимоий ҳимояни кучайтириш, инновацион фикрлаш, яъни, инновацияга асосланган замонавий технологияли иқтисодиётни ривожлантириш, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, муқобил энергия манбаларини такомиллаштириш каби масалаларни кенг тарғиб қилиш орқали тарафдорларимиз сафини кенгайтиришмоқда.

— Қўлга киритаётган ютуқларимиз ҳақида гап кетганда партиямизнинг Қувасой шаҳар кенгашидаги 7 нафарлик депутатлик гуруҳи томонидан олиб борилаётган амалий ишларни алоҳида таъкидлаган бўлардим, — дейди Дилором опа. — Масалан, “12-Муян” сайлов округидан сайланган депутат Зоиржон Иброҳимов ўз ҳудудидаги сайловчиларнинг талаби билан 300 метрлик тоза ичимлик суви тармоғи ишга туширилишида бош-қош бўлди. Бунга вилоят сув хўжалиги маблағи ҳамда ҳашарчилар меҳнати орқали эришилди. Шунингдек, Қувасой шаҳар “Коммуналхизмат” МЧЖ маблағларини йўналтириш орқали бир нечта кўчалар асфальтланди. Йўл ёқасидаги ташландиқ жой ўрнида 2 минг тупдан иборат боғ барпо этилди. Табиийки, депутатимизнинг ана шундай саъй-ҳаракатлари туфайли “Муян” қишлоқ фуқаролар йиғини қошида яна битта БПТ тузилди. Айни пайтда мазкур қуйи бўғинга ҚФЙ раиси Азиза Умарова бошчилик қилмоқда.

“Найман” сайлов округидан сайланган депутат Мўсинжон Меҳмонов 2011 йилнинг кузқиш даврида Қувасой шаҳридаги 90-сонли кар-соқов болалар мактаб-интернатининг иситиш тармоғини тубдан янгилаб беришга ва ўша йили Ўриксор қишлоғи болалари учун замонавий бошланғич синф мактаби қурилишига катта ҳисса қўшди. Синф хоналарини тўлиқ жиҳозлаш баробарида, ҳар бир синфга компьютер жамламалари тортиқ этилди. Кейинги йил эса, унинг саъй-ҳаракати билан Кокилон маҳалласида замонавий савдо гузари қуриб фойдаланишга топширилди. Айни кунларда депутатнинг саъй-ҳаракати билан Кокилон маҳалла гузари, оталар чойхонаси ҳамда маҳалланинг маъмурий биносидан иборат мажмуа бунёд этилди.



Шу билан бирга М.Меҳмонов шу йиллар орасида шаҳардаги кам таъминланган ўнлаб оилаларга, ногиронларга, Чернобиль ҳалокати ва Афғон уруши қатнашчиларига, шунингдек, Қувасой шаҳар “Нуроний” жамғармасига 150 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатишга кўмаклашди. Ўз навбатида, мазкур даргоҳларда фаолият олиб бораётган зиёлилар “Адолат” партиясини қўллаб-қувватлашмоқда.

— Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг “Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони” деб номланган сайловолди дастурида белгиланган вазифалар — “ўзбек модели”нинг иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга оширишни таъминлашдан иборат тамойилларига ҳамоҳанг тарздаги ғоя ва мақсадлари, социал-демократиянинг эркинлик, адолатлилик, бирдамлик каби шиорлар менинг партия сафига киришимга сабаб бўлди, — дейди Мўсинжон Меҳмонов. — Барчамиз яхши биламизки, илгарилар “тадбиркор бўламан”, деган аҳд ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Шу боис изланиш йўқ эди. Чунки, бирор бир ишни режалайман десанг, эркинлик етишмасди. Тепага қараб турардик. Пастга мос келсин-келмасин, ташаббуслар, режалар тепадан тушарди. Йўқ, ҳозир замон бошқача — ишбилармонга, ишлайман деганга имтиёз ҳам, имконият ҳам етарли. Олиб бораётган ишларимизнинг бароридан келаётганининг ҳам сабаби шунда.

Таъкидлаш жоизки, бугун Мўсинжон Меҳмонов таъсис этган “Building Materials Production and Trading Group” қўшма корхона қошида тузилган БПТ аъзолари 147 нафарни ташкил этгани ҳолда унга қўшма корхонанинг бош директори Пўлат Абдураззоқов етакчилик қилмоқда.

Шунингдек, “Фарғонацемент” заводидаги ишчи-хизматчиларнинг ҳам кўпчилиги “Адолат” СДП ғоялари атрофида БПТга жипслашган бўлиб, у Фарғона вилояти партия Кенгашининг энг катта қуйи бўғини ҳисобланади. Айни пайтда бу ердаги аъзолар сони 200 нафарни ташкил этмоқда. Уларнинг мақсадлари бир: “Адолат” партияси теграсида жипслашиш; бир жон, бир тан бўлиб, саноатни ривожлантириш; ишлаб чиқариш соҳасини техник ва технологик янгилаш ва яхшилаш; истиқболли лойиҳаларни жадал суратларда амалга ошириш асосида сифатли ва ҳамёнбоп маҳсулотлар тайёрлаш, энг аввало, ички бозор талабини қондиришга, қолаверса, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш орқали Ватан равнақига хизмат қилишдир.



**Саидолим АБДУРАҲМОНОВ,**
“Adolat” махсус мухбири

# Матёқуб МАТЧОНОВ: “Имконият борми, фойдаланиш керак”

**Таҳририят меҳмони**

Шундай актёрлар борки, кино ва театрда кўпгина ролларни талқин этишади. Бироқ мухлислари уларни биргина қаҳрамони боис яхши кўриб қолишади, танишади, ҳатто ўша қаҳрамон номи билан тилга олишади. Бугунги суҳбатдошимиз ана шундай санъаткорлардан. Гарчи ижро этганига чорак асрдан ошсада, унинг “Бозор кўрмаган йигит” теленовелласидаги Куёвнинг дўсти образи халқимизнинг ёдидан чиқмайди... Бугунги меҳмонимиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, таниқли актёр Матёқуб Матчонов билан суҳбатимиз унинг ижоди ва ҳаёти ҳақида бўлди.

***— Ҳар бир инсон дунёга келибдики, ҳаётдаги ўз йўли ва ўрнини топишга интилади. Сиз ҳам ёшлигингизданоқ актёр бўлишни ният қилганмисиз?***

— Болалигимда ҳамма касбга ҳавасим келган. Новвой ҳам бўлгим келган, учувчи ҳам. Хуллас, катталарга қараб, кимни ҳурмат қилсам, шу инсоннинг касбини танлагим келар эди. Кейинроқ ўйлаб-ўйлаб, бу касбларнинг ҳаммасини ўзида мужассам эта оладиган касб — бу актёрлик экан, деган хулосага келганман. Бир-иккита дўстларим билан сўраб-сўраб, аввалги Театр ва рассомчилик институти (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти)га ҳужжат топширганмиз. Ҳеч ҳам ёдимдан чиқмайди, санъат соҳасини танламоқчи бўлган абитуриентлар учун ташкил этилган махсус консультацияларга бориб-келиб юрганимда, раҳматли устозим Ҳасан Исмоилов мени маълум муддат кузатиб туриб, қайси монолог ёки шеърни ёдлаётганим билан қизиқдилар. Табиийки, ўша пайтда ҳамма тенгдошларим сингари мен ҳам жаҳон адабиётининг кўзга кўринган асарлари қаҳрамонлари Гамлет ва Отеллодан парчалар ёдлаётганимни айтдим.

Шунда устозим менга:

— Йўқ, сен яхшиси “Бой ила хизматчи”даги Холматнинг монологини айтиб бер, — дегандилар.

Санъат соҳасидаги илк устозим Ҳасан ака жуда сўзамол, ҳазилкаш инсон бўлгани учун менда ҳам комик ролларга бўлган иштиёқ, меҳр уйғонган бўлса, ажабмас. Айни пайтда санъатга, адабиётга бўлган меҳр-муҳаббатим, авваламбор, оиламизда шаклланган. Хусусан, раҳматли онажонимнинг хушмуомала, ҳозиржавоблиги, санъатга қизиқиши мени ушбу соҳага етаклаган, десам муболаға бўлмайди.

Оилада 6 нафар ака-укамиз. Оқ ювиб, оқ тараган ота-онам биз, фарзандларга шарқона руҳда таълим-тарбия беришган. Мен ҳам, ўз навбатида, фарзандларимни шундай тарбиялашга ҳаракат қилдим. Шукрки, уларнинг барчаси жамиятда, маҳалла-кўйда ўз ўрнига эга шахс сифатида шаклланган.

***— Сиз 90-йилларда тасвирга олинган “Бозор кўрмаган йигит” теленовелласидан кейин комедия йўналишида фаолият юритадиган ёрқин актёр сифатида намоён бўлдингиз. Шундан сўнг сиз суратга тушган аксарият кинофильмларда ушбу образ, яъни ҳазилкаш, уддабурон қаҳрамон характери сақланиб қолгандек гўё... Жиддий қаҳрамонларни ҳам талқин этиш ниятингиз борми?***

— Албатта, ролнинг катта ёки кичиги бўлмаганидек, мен учун ҳар бир ўйнаган ролим бирдек азиз ва қадрли. Бироқ жиддий қаҳрамонни шунчалик жиддий бўлгани учун талқин этгим келмайди. Мен учун муҳими, томошабинга бирон ғояни етказиб бериш. Сабаби баъзан кулгу, юмор остида қайсидир иллат қуролланаётган бўлиши мумкин ёки аксинча.

Ўрни келганда айтиш жоизки, бугунги томошабинни кулдириш мушкул вазифа. Бевосита теленовеллага келсак, ушбу ролга қадар қатор бошқа кинофильмларда ҳам суратга тушганман. Лекин халқимиз каминани шу образда яхши қабул қилди, эслаб қолди. Шундан сўнг мени аксарият режиссёрлар комик образларга таклиф этишадиган бўлди.

Шу ўринда бугунги кино санъатида жавлон уриб фаолият юритаётган ёш ижодкорларни кузатиб, тўғриси, жуда ҳавасим келади. Авваллари кинолар бирон бир қолип асосида суратга олинган бўлса, бугунги ижодкор, санъаткорларга мавзу, ғоя танлаш имконияти берилган. Улар ҳар қандай мавзуга қўл уриши, ўзига яраша аудиториясига эга бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси мустақиллик берган имконият деб ҳисоблайман ва мен ҳам шундай замонда фаолият юритаётганимдан фахрланаман.

***— Ижодкор, санъаткор халқи жамиятда юз бераётган яхши ўзгаришлар билан бир пайтда айрим иллатларни бошқаларга нисбатан теранроқ ҳис қилади...***

— Тўғри айтасиз, санъаткорлар жуда ҳам ҳиссиётга берилувчан, ҳар бир ҳолатни юрагидан ўтказадиган, қалби нозик инсонлар бўлишади. Шунинг учун ҳар бир ҳолат, вазиятнинг икир-чикирига эътибор қаратамиз.

Албатта, бугунги кунда халқимизга, айниқса, ёшларга яратилаётган имконият, шароитни бошқа пайтда ёки ўзга мамлакатда учратиш мушкул, ҳаттоки бунақаси бўлмаган, десам муболаға бўлмайди. Бундан 20 йиллар аввал ёш оилаларга ҳукумат томонидан намунавий уй-жой қурилиб, кредитга бериладими ёки барча олийгоҳларда жаҳоннинг исталган бурчагида кашф этилаётган ихтиролар билан ўртоқлашиш, фикр алмашиш имкониятига эга бўлиш, ҳатто чет давлатларда малака ошириб келиш мумкин бўлиши ҳеч кимнинг тасаввурига сиғмасди. Оллоҳга беадад шукрки, Президентимиз бошчилигида халқимизнинг турмуш тарзи, дунёқараши ўзгарди, юртимизда тинчлик-хотиржамлик, дастурхонларимиз тўкин-сочин. Албатта, бундай ютуқларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Айнан 22 йил давомида бошқа мамлакатлар бир асрда ҳам эриша олмаган ютуқларга эришаётганимизни, собиқ иттифоқ даврида қандай қўрқув ва босим остида яшаганимизни ҳозирги ёшларимиз билмайди. Гуруч курмаксиз бўлмайди, дейишганидек, юксак даражадаги шарт-шароитларга эга бўлиб туриб, айрим ёшларимизнинг боқимандалик руҳида, истеъмолчи сифатида умр кечираётганини кўриб, баъзан хафа бўлиб кетаман. Айрим пайтлари шундай тоифадаги ёшлар билан суҳбатлашиб қолсам, уларнинг аниқ бир мақсадсиз, олма пиш, оғзимга туш қабилида яшаши, тўғриси, дилимни хуфтон қилади.

Шунинг учун ёшларимизга собиқ тузум даврида ҳаёт қандай бўлган, ҳозир қандай шароитда яшаётганини кўпроқ тушунтиришимиз керак.

***— Инсонлардаги қайси хусусиятни ҳурмат қиласиз?***

— Ҳалоллик, ростгўйлик ва адолатлилик. Албатта, ҳар бир инсоннинг ўз адолати, ҳақиқати бўлади. Муҳими, ҳар бир инсон ўз манфаатини бошқалардан устун кўрмаслиги керак, деб ҳисоблайман.

***— Мамлакатимиздаги сиёсий партиялар, хусусан “Адолат” социал-демократик партияси ғоялари, фаолияти билан қизиқиб турасизми?***

— Албатта, мунтазам бўлмаса-да, вақти-вақти билан ойнаи жаҳон, радио ва газеталар орқали сиёсий партияларнинг фаолияти, илгари сураётган ғоялари билан танишиб тураман.

Билишимча, ҳар бир партиянинг ўзига хос жозибадор фикрлари, таклифлари бор. Хусусан, менга партиянинг ижтимоий адолат, соғлиқни сақлаш ва таълим йўналишидаги ғоялари кўпроқ ёқади. Аммо сиёсий партиялар ўз тарафдорлари ва сайловчилар ишончини қозониш учун ҳали кўп амалий ишларга қўл уришлари лозим.

Фикримча, социал-демократик ғоялар халқимизда бугун пайдо бўлиб қолмаган. Мисол учун, халқимизнинг “Каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўл”, деган мақоли кўпчиликнинг онгонгига сингиб кетган. Ёки олайлик, хонадонига келин келаётган оила янги меҳмон учун ўзида аввал бўлмаган шарт-шароит яратишга интилади. Буларнинг барчаси, бир қарашда арзимас ҳолат кўринса-да, аммо айнан социал-демократиянинг бир кўринишидир, деб ўйлайман.

***— Яқин келажакда мухлисларингизни қандай роллар билан хурсанд қиласиз?***

— Тез кунларда камина роль ижро этган режиссёр Абдуваҳид Ғаниевнинг “Пойга”, Саид Мухторнинг “Ибрат” номли кинофильмлари катта экран юзини кўриш арафасида. Қолаверса, бошқа янги фильмларда суратга тушиш учун таклифлар тушмоқда.

***— Мухлисларимизга тилакларингиз.***

— Халқимиз азалдан санъатсевар халқ. Шунинг учун биз, санъаткорлар доимо уларнинг хизматида бўлиб, уларнинг ишончини оқлаш бахти барчамизга насиб этсин. Яхши кунлар кўп бўлаверсин, юртимизда тинчлик-хотиржамлик ҳукм сураверсин.

**Саодат СОДИҚОВА**
**суҳбатлашди.**




БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ
22 yil
юртдошларимизни
жаннатмакон диёримиз
истиқлолининг 22 йиллиги
билан табриклайди!
Шундай шукуҳли кунларда барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизга тўкин-сочинлик ва она-Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашдек эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.
ЮРТИМИЗ ТИНЧ,
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ
АБАДИЙ БЎЛСИН!

# Табрик ва эълонлар










«Fitch Ratings»

Халқаро рейтинг агентлиги

"МИКРОКРЕДИТБАНК"

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ

MIKROKREDITBANK

барча рейтинг кўрсаткичларини

"БАРҚАРОР"

деб баҳолади

*"Микрокредитбанк" сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!*

Хизматлар лицензияланган

## ЖАВОҲИР ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ШОҲСУПАСИДА

**Сербиянинг Зренянин шаҳрида кадетлар ўртасида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича давом этаётган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари иккинчи бронза медални қўлга киритди.**

Дунёнинг элликдан зиёд мамлакатидан истеъдодли полвонлар ғолиблик учун курашаётган ушбу нуфузли мусобақанинг юнон-рум кураши беллашувларида Жавоҳир Мираҳмедов учинчи ўринни эгаллади.

46 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларда қатнашган ўзбек полвони арманистонлик Эдгар Тамазян, грузиялик Темур Шавадзе ва хорватиялик Филип Франколни катта устунлик билан мағлубиятга учратди.

Эслатиб ўтамиз, жаҳон чемпионатининг биринчи бронза медалини юнон-рум кураши бўйича 50 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан ҳамюртимиз Қамариддин Зайниддинов қўлга киритган эди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
ЎзА мухбири

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета

**Муассис:** Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Таҳрир ҳайъати:** Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Алишер МЎМИНОВ.

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:** Абдували САЙБНАЗАРОВ

**Бўлимлар:** Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — ***288-46-54*** (149);
Ахборот, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — ***288-46-64*** (146);
Маънавият ва маданият бўлими ***288-46-64*** (151),
Қабулхона — ***288-42-23***; ***288-46-64*** (141) факс;
Котибият — ***288-46-64*** (144).

**Навбатчи муҳаррир** — Қ.Қўлдошев. **Навбатчи** — И.Сахатов

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 06.12.2006 й. 0018 рақами билан рўйхатга олинган.*

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

ISSN 2091-5217

**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*
**info@adolatgzt.uz**
**adolat_gazeta@mail.ru**

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 800. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2.
Адади — 9099
Босишга топшириш вақти — 01.30 Босишга топширилди — 02.15
**1 2 3 4 5**

**«12-АВТОБУС САРОЙИ» очиқ акциядорлик жамияти**

**«D» тоифага эга бўлган ҳайдовчиларни ишга қабул қилади.**

*Ўртача ойлик иш ҳақи «Мерседес-Бенц» автобуси ҳайдовчилари учун 800-850 минг сўм.*



*Телефонлар:* **258-37-47, 215-27-52.**

*Ўртача ойлик иш ҳақи «Исузу» автобуси ҳайдовчилари учун 650-700 минг сўм.*

*Чипта сотувчилар учун ўртача ойлик иш ҳақи 250-300 минг сўм.*



***Манзил:*** **Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Спутник 12-М.**

**"4-AVTOBUS SAROYI" ОАЖ**

**"D" тоифага эга бўлган ҳайдовчиларни ишга қабул қилади.**

Ўртача ойлик иш ҳақи "Мерседес-Бенц" автобуси ҳайдовчилари учун 750-800 минг сўм.

Ўртача ойлик иш ҳақи "Исузу" автобуси ҳайдовчилари учун 500-600 минг сўм.



Чипта сотувчилар учун ўртача ойлик иш ҳақи 250-300 минг сўм.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Чоштепа кўчаси, 27-уй.**

***Телефонлар:* *215-87-24, 215-87-25.***



Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши партиянинг Навоий вилояти Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Баҳриддин Қурбоновга волидаи муҳтарамаси

**БАХМАЛ ая**нинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.